



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FANLAR
AKADEMIYASI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR
AKADEMIYASI
O'ZBEKISTON TARIXI DAVLAT MUZEYI

MODDIY-MA'NAVIY MEROS VA UMUMBASHARIY QADRIYATLAR

Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari to'plami

PROCEEDINGS OF THE REPUBLICAN SCIENTIFIC-PRACTICAL CONFERENCE
TANGIBLE AND INTANGIBLE HERITAGE AND UNIVERSAL VALUES



TOSHKENT – 2026

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 50 лет Государственному научно-исследовательскому институту реставрации Научно-информационный сборник (Авторы-составители: О.Л. Фирсова, Л.В. Шестопалова). – М.: НП «СТОиК», 2007. – С. 197-198 (244 с.).
2. Грек Т.В., Пчелина Е.Г., Ставиский Б.Я. Каратепе – буддийский пещерный монастырь в Старом Термезе. Каратепе 1. – М.: «Наука», 1964. – 160 с.
3. Буддийская пещера Каратепе в Старом Термезе (под общ. ред. Б.Я. Ставиского). Каратепе 2. – М.: «Наука», 1969. – 235 с.
4. Буддийский культовый центр в Старом Термезе (под общ. ред. Б.Я. Ставиского). Каратепе 3. – М.: Наука, 1972. – 309 с.
5. Новые находки Каратепе в Старом Термезе. (под общ. ред. Б.Я. Ставиского). Каратепе 4. – М.: Наука, 1975. – 212 с.
6. Буддийские памятники Каратепе в Старом Термезе. Каратепе 5. – М.: Наука, 1982. – 367 с.
7. Буддийские комплексы Каратепе в Старом Термезе (под общ. ред. Б.Я. Ставиского). Каратепе 6. – М.: «Восточная литература» РАН, 1996. – 343 с.
8. Отечественная реставрация в именах. 1918-1991. Биобиблиографический справочник. – Москва: «ИНДРИК», 2010. Вып. 1. – С. 353-354 (484 с.)
9. Ставиский Б.Я. Охрана и реставрация памятников культуры и искусства Средней Азии // Реставрация музейных ценностей в СССР. М., 1982. С. 203 (Л.А. Лелеков хаммуаллифлигида);
10. Ставиский Б.Я. Состояние охраны и реставрации памятников культуры и искусства Средней Азии в 1925-1928 г. // Художественное наследие. № 8 (38). М., 1983. С. 23-36;
11. Ставиский Б.Я. Участие ВЦНИЛКР – ВНИИР в сохранении памятников культуры и искусства Средней Азии // Реставрация музейных ценностей в СССР. Проблемы и современные методы исследования. Науч. семинар. Тезисы докладов. М., 1984. С. 61-62;
12. Nabiyev M.M. Boris Yakovlevich Staviskiy va Surxondaryoning qadimiy arxeologik merosi // “XXI asr: Fan va ta’lim masalalari” jurnali, III-tom. – Toshkent: TSHU, 2025. – B. 635-643.
13. Nabiyev M.M. Boris Yakovlevich Staviskiy and the ancient archaeological heritage of Surkhandarya // Historical realities and philosophical ideals: dialogues between disciplines. Materials of International scientific-practical conference. – Tashkent, 2025. – 389-398.
14. https://ru.wikipedia.org/wiki/Ставиский_Борис_Яковлевич

КАРИМОВА Д.О.

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ЎзР ФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи

Тарих илмий бўлими мудири

ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ КЕРАМИКАСИ АҲМОНИЙЛАР МЕРОСИМИ ЁКИ МАҲАЛЛИЙ ЭВОЛЮЦИЯ?

Аннотация. Мақолада қадимги Бақтрия моддий маданиятининг муҳим бўғини бўлган сопол буюмлари талқинидаги илмий қарашлар таҳлил қилинади. Узоқ вақт давомида илм-фанда ҳукмрон бўлган “Аҳмонийлар керамикаси” концепциясининг заиф томонлари ва академик А. Асқаров томонидан илгари сурилган маҳаллий эволюция назариясининг аҳамияти очиб берилди. Муаллиф археологик маълумотларга таяниб,

Бақтрия кулолчилиги Аҳмонийлар империяси таъсирида эмас, балки минтақадаги деҳқончилик маданиятлари негизида ривожланган мустақил феномен эканлигини асослайди.

Калит сўзлар: Бақтрия, сопол буюмлари, Аҳмонийлар, А. Асқаров, археология, генезис, маҳаллий маданият, эволюция, кулолчилик чархи.

Аннотация: В данной статье рассматривается научная дискуссия вокруг происхождения древнебактрийской керамики. Долгое время в историографии преобладало мнение о том, что гончарное производство Бактрии сформировалось под прямым влиянием Ахеменидской империи. Однако исследования академика А. Аскарова внесли коренной перелом в это представление. В статье анализируются доказательства того, что бактрийская керамика является продуктом длительной местной эволюции, уходящей корнями в культуру Сапаллитепа и Джаркутана. Автор обосновывает, что технологическая преемственность и художественное своеобразие бактрийских мастеров подтверждают самостоятельный путь развития региональной культуры.

Ключевые слова: Бақтрия, ахеменидская керамика, А. Асқаров, археология, генезис, местная традиция, материальная культура, эволюция, гончарное искусство.

Abstract: This article examines the scientific debate surrounding the origin of ancient Bactrian pottery. For a long time, the prevailing view in historiography was that Bactrian pottery production was formed under the direct influence of the Achaemenid Empire. However, the research of Academician A. Askarov brought a fundamental shift in this perspective. The article analyzes the evidence that Bactrian ceramics are the product of a long local evolution, rooted in the cultures of Sapallitepa and Jarkutan. The author argues that the technological continuity and artistic uniqueness of Bactrian craftsmen confirm the independent path of development of the regional culture.

Keywords: Bactria, Achaemenid ceramics, A. Askarov, archaeology, genesis, local tradition, material culture, evolution, pottery art.

Марказий Осиё қадимги даври археологиясида Бақтрия керамикасининг генезиси узоқ йиллардан буён илмий мунозаралар марказида бўлиб келмоқда. Хусусан, милoddан аввалги VI-IV асрларда кулолчиликда кузатилган кескин технологик ва услубий ўзгаришлар икки хил қарашни юзага келтиради: бу Аҳмонийлар империясининг маданий таъсири натижасими ёки маҳаллий бронза даври анъаналарининг табиий давоми?

Яқингача, Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам илк шаҳарларнинг келиб чиқиш тарихи, ўзбек давлатчилиги тарихи юртимизга бостириб қирганлар Аҳмонийлар фаолияти билан боғланиб келинган. Гўёки, Ўрта Осиё қадимги шаҳарлари маҳаллий илдизга эга эмас, дастлабки илк шаҳарлар Аҳмоний подшолари ва Искандарнинг ҳарбий юришлари туфайли қурилган истеҳкомлардан иборат бўлиб, эллинизм маданияти (греклар) таъсирида улар илк шаҳарларга айланган, деган тасаввур мавжуд эди. Ўрта Осиёнинг энг қадимги шаҳри Афросиёб, яъни қадимги Самарқанднинг ёши 2300-2400 йилдан ортиқ эмас, деган тасаввур тарих фанида ҳукмрон эди. Ҳатто унинг асл номи тилга олинмай, шаҳарга греклар берган “Мароканда” номи илмий адабиётлар ва дарсликларга киритилган эди. Халқимиз ўтмишининг милoddан аввалги VI-IV асрлар тарихи “Аҳмонийлар даври”, унинг кулолчилик маҳсулотлари “аҳмонийлар керамикаси” номлари остида

нотўғри талқин этилиб келинди. Эндиликда, уларни археологик материаллар асосида тузатиш имкониятига эгамиз. Юртимиз тарихчи олимлари олдида, халқимиз тарихини фақат бирламчи манбаларга суяниб қайтадан ёзиш, илмий таҳлилдан ўтказилган, етук мутахассислар чиғириғидан ўтказиб, бир тўхтамга келинган хулосалар асосида дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини яратиш даври келди [1, – Б. 7-26].

– Ўша кезлари илмий ишим доирасида Сополлитепа ёдгорлигини ўрганганман ва бундан 4 минг йил олдинги шаҳар маданияти намуналари, санъат асарларини топишга муваффақ бўлдим. Биз топган турли хил сопол идишлар чиннидек сифатли эди. Улар шундай енгилки, чертса жаранглайди. Унга қадар шаҳарсозлик маданиятини Ўзбекистонга Аҳмонийлар ва Искандар Зулқарнайн олиб кирган, ўзбек халқи чорвадор эди, маданият деган нарса йўқ эди, деб келинган [2, – Б. 5].

Археология фанида “қўлда ясалган нақшли сополлар маданияти” (ҚЯНСМ) [5, – Р. 9-20., 6] деб аталган сўнгги бронза даври Фарғона водийсида Чуст, Тошкент воҳасида Бурғулук, Сурхондарёда Кучук I, Қизил I, Қашқадарёда Ерқўрғон I, Самарқандда Кўктепа I, Афғонистонда Тилла I, Жанубий Туркменистонда Яз I номлари билан ўрганиб келинмоқда. Ушбу тадқиқотлар

натijasида қўлда ясалган нақшли сополлар маданияти даврида, хусусан Бактрияда манзилгоҳлар умумий майдонининг кичиклашиши, монументал меъморчилик анъанасининг пасайиши, санъат буюмларининг кескин камайиши, хаттоки айрим соҳаларнинг умуман унутулиши (сфрагистика, глиптика), кулолчилик дастгоҳларидан, яъни чархдан фойдаланмаслик ҳолатлари аниқланган [7]. Бу муаммолар ечимида бронза ва илк темир даврининг Кучуктепа ёдгорлиги алоҳида илмий аҳамиятга эга. Ёдгорлик ҳозирги Сурхондарё вилояти, Музрабод тумани марказидан 1 км жанубий-шарқда жойлашган бўлиб, 1962 йили Л. Альбаум томонидан аниқланган.

Кучуктепа ёдгорлигидан қўлда ясаиб устидан қизил бўёқда нақш солинган сополлар кўплаб топилган. Унинг устидаги қатламлардан эса цилиндрконус шаклига эга бўлган ва кулолчилик чархида жуда пухта қилиб ишланган идишлар чиқди. Комплексларнинг худди кучуктепадагидай кетма-кет келиши Ерқўрғонда ҳам кузатилгани учун комплекснинг устки қатламида ривожланган шаҳар маданиятига оид сополларнинг пайдо бўлишини, албатта, биз юқорида айтиб ўтган давр, яъни Ўрта Осиёнинг Аҳмонийлар томонидан забт этилиш даври билан даврлаштиришимиз, унча тўғри бўлмас эди. Шунинг учун ҳам Кучуктепани ҳар томонлама ўрганган А. Асқаров бу комплексларни қуйидагича даврлаштириш зарурлигини таъкидлади. Кучук I

милоддан аввалги XI-VIII асрлар ёки сўнгги бронза даври, Кучук II, III ва IV ларни эса милоддан аввалги VIII асрнинг иккинчи ярми ва V асрлар билан белгилашни таклиф қилди. Кучук I бронза даврининг сўнгги даврига тўғри келиб, Кучук II-III ва IV босқичларини эса илгариги пайтдаги “архаик” ёки “Аҳмонийлар комплекси” деб аташ тўғри келмаслигини, “Қадимги Бактрия комплекси” деб аташ тўғрилигини асослади. Чунки, архаика деб аталса бир оз қоқоқ, ибтидоий, оддий усулда тайёрланган идишлар ва бошқа хужалик комплекслари тушунилар эди. “Аҳмонийлар комплекси” деб аташнинг имкони йўқлиги маълум. Аҳмадали Асқаров бошчилигидаги Шеробод экспедициясининг қўлга киритган катта ютуқларидан яна бири комплекслар даври тўғри аниқланганлиги ва ундан келиб чиққан хулосалар бўлди [3, – Б. 17-18].

Маълумки, милоддан аввалги минг йилликнинг бошлари ва ўрталарига оид ёдгорликлар даврини аниқлашда В. М. Массон ўрганган Туркменистондаги Ёзтепа материаллари яқин йилларгача эталон бўлиб хизмат қилди. Чунки бу тепадан 3 та кетма-кет келувчи ва бир-биридан тубдан фарқ қилувчи комплекслар топилиб, энг қуйи қатламдагиси Ёзтепа I, кейингиси Ёзтепа II ва Ёзтепа III деб аталди. Ёзтепа I қатлами сополлари асосан қўлда ясалган бўлиб, қирғоқларига рангли нақш солинган. Ёзтепа II босқичида эса ярмидан кўп идишлар кулолчилик чархида тайёрланган бўлиб, асосан цилиндроконус шаклларида эга эди. Бундай идишлар Ўрта Осиёдаги жуда кўп ёдгорликлардан аниқланиб, аксарият олимлар томонидан милоддан аввалги минг йилликнинг ўрталарига оид, деб ҳисобланиб келинган. Бу сана Ўрта Осиёнинг Аҳмонийлар томонидан забт этилиш даврига тўғри келиб, ривожланган деҳқончилик ва шаҳар маданиятининг вужудга келишини ҳам Аҳмонийларнинг Ўрта Осиёни босиб олиши билан боғлашар ва улар билан бир вақтда кириб келган, дейишар эди. Ёзтепа III комплексида деярли ҳамма сопол кулолчилик чархида ишланган, идишларнинг лойи жуда яхши пиширилиб, устидан оқ ангоб берилган. Шакли эса аввалгидай цилиндроконус бўлган. Бактриядаги Кучуктепа II, Қизилтепа II, Жанубий Суғддаги Ерқўрғон II, Жанубий Туркменистондаги Ёзтепа II, Самарқанддаги Лолазор турар жой маконларидан чиққан сополлар бир-бирига шу даражада ўхшар эдики, уларни бир гуруҳ усталар ёки усталарнинг шогирдлари ясаган бўлсалар керак, деган фикр туғилиши табиий эди [3, – Б. 19-20].

Ҳунармандчилик, хусусан, кулолчилик усталарининг катта ҳудудда хавф-хатарсиз эркин ўз касби билан шуғулланишлари учун мустаҳкам давлат бошқарувининг бўлиши муҳим бўлган. Ўрта Осиёда энг қадимий давлатларнинг ҳудудий жойлашуви борасида олимлар ўртасида турлича илмий мунозаралар мавжуд бўлган. Айрим тадқиқотчилар милоддан аввалги

I минг йилликнинг биринчи ярмида Амударё ва Сирдарё оралиғидаги Қадимги Хоразм давлати бўлган, деб ҳисоблашса, бошқа бир гуруҳ олимлар Марказий Осиёдаги энг қадимги цивилизациялардан бири Қадимги Бактрия бўлган, деган фикрни илгари суришган.

Бу қарама-қарши фикрларнинг ечимини топиш мақсадида бир нечта археологик объектларда стратиграфик қазилма ишлари олиб борилди ҳамда бу комплексларни солиштириб кўриш имкони туғилди. Ерқўрғон II, Қизилтепа II, Кучуктепа II, Ёзтепа III, Лолазор материалларининг Бухоро воҳаси, айниқса Хоразмда шу пайтга қадар топилмаганлиги “Қадимги Хоразм давлати бўлган” деган тахмин нотўғри эканлигини кўрсатади [3, – Б. 20-21]. Бу солиштира таҳлиллар энг қадимги давлат бирлашмаси Қадимги Бактрия худудида бўлганлигини асосли тасдиқлайди.

А.Асқаров ўз изланишлари натижасида, биринчидан, Сополлитепа, Жарқўтон, Бўстон каби қадимги деҳқончилик маданияти ёдгорликларини ўрганиш ва улардан топилган археологик артефактларнинг янгича таҳлиliga кўра, Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари бронза давридан бошлаб Қадимги Шарқнинг бирламчи цивилизациялар таркибига кирганлиги илмий исботлади. Улар Жанубий Туркменистон ва Шимолий Афғонистон ёдгорликлари билан биргаликда жаҳон тарихига Оқс цивилизацияси номи билан киритилди. Ўзбекистонда бронза даврида таркиб топган қадимги шаҳарсозлик маданияти асослари дастлаб Эрондан кириб келганлиги ҳақидаги ҳождлар, шу давр кулолчилигининг юксак ривожланган маҳсулотлари тўғридан-тўғри “Аҳмонийлар керамикаси” деб юритилишига археологик манбаларни янгича таҳлили натижасида чек қўйилди [4]. Яъни, Қадимги Бактрия маданиятини илмий муомалага киритиш орқали милоддан аввалги VI асрга қадар Марказий Осиёда бронза даври бирламчи цивилизация ютуқларининг қайта тикланиш даври бўлганлиги, ташқи сиёсий-ҳарбий таъсир омили эмаслиги, узок давом этган маҳаллий тараққиёт жараёнининг қонуний натижаси эканлиги илмий жиҳатдан асослаб берди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Асқаров А. Мустақиллик йилларида тарих фанларини ўқитишда инновацион ёндашувлар // «Олий таълимда ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишнинг долзарб масалалари» мавзусида илмий-амалий конференция материаллари. 24 август, 2011 йил. – Б. 7-26.
2. Asqarov A. Arxeologik yodgorliklarni bezavol saqlash va muzeyga aylantirish vazifasi qo'yilgan, ammo nechun sustkashlik?... / Yangi O'zbekiston gazetasi. 30-son. 10.02. 2024. – Б. 5.
3. **Исомиддинов М.** Сополга битилган тарих. Тошкент: “Фан”, 1993. – Б. 17-18.
4. Асқаров А. Тарихни тиклаш машаққати / Jadid uz. Elektron. 30.09.2025. <https://jadid.uz/uz-cyrill/tarihni-tiklash-masha%D2%9B%D2%9Bati/> “Жадид” газетасининг

2025 йил 26 сентябрдаги 39-сон.

5. Lhuillier J. A synthetic note about the phenomenon of the Central Asian Early Iron Age “painted ware cultures” (2nd – 1st millennium B.C.) // Bulletin of IICAS. Volume 13. 2011. – P. 9-20.

6. Lhuillier J. Les cultures à céramique modelée peinte en Asie Centrale méridionale. Dynamiques socio-culturelles à l’âge du Fer ancien (1500–1000 av. n.è.), Mémoires de la Mission Archéologique Française en Asie Centrale. Tome XIII. – Paris, 2013.

7. Хамидов О. Шимолий Бактриянинг Кучук I даврига оид янги ёдгорликлари // тарих фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси. Тошкент, 2020.

YUSUPOV A.Sh.

*Urganch davlat universiteti “Tarix”
kafedrasi dotsenti., tarix fanlari bo‘yicha falsafa
doktori (PhD) E-mail: yusupov89a@mail.ru*

UDK: 94:902(575.1)

ILK SAKLAR MODDIY MADANIYATI: IJTIMOIIY TABAQALANISH VA SAN’ATDAGI MIFOLOGIK ASOSLAR.

Annotatsiya: Ushbu maqolada antik davr Yevroosiyo sivilizatsiyasining ajralmas qismi hisoblangan sak qabilalarining moddiy va ma’naviy madaniyati tahlil etiladi. Tadqiqotda saklar jamiyatidagi ijtimoiy tabaqalanish jarayonlari, monumental me’morchilik hamda san’atning o‘ziga xos xususiyatlari K.A. Akishev, S.I. Rudenko va A.S. Sag‘dullaev kabi nufuzli olimlarning fundamental arxeologik izlanishlari asosida yoritilgan. Maqolada dafn marosimlarining etnomadaniy xususiyatlari, “hayvon uslubi” san’atining mifologik genezisi hamda “sak triadasi”ning mintaqalararo mushtarakligi ilmiy jihatdan dalillangan. Muallif saklar madaniyatini shunchaki harbiy-ko‘chmanchi an’analar majmuasi sifatida emas, balki yuksak texnologik va intellektual salohiyatga ega bo‘lgan o‘ziga xos sivilizatsiya sifatida qayta baholash zarurligini ilgari suradi.

Kalit so‘zlar: saklar, tarixshunoslik, “hayvon uslubi”, arxeologik- ekspeditsiya, davlatchilik ildizlari, Issiq qo‘rg‘oni, ijtimoiy tabaqalanish, kosmologik model.

Аннотация: В данной статье проводится анализ материальной и духовной культуры сакских племен, являвшихся неотъемлемой частью древней евразийской цивилизации. На основе фундаментальных археологических исследований таких видных ученых, как К.А. Акишев, С.И. Руденко и А.С. Сагдуллаев, освещаются процессы социальной стратификации, монументальная архитектура и специфические особенности искусства сакского общества. Научно обоснованы этнокультурные характеристики погребальных обрядов, мифологический генезис искусства «звериного стиля» и межрегиональная общность “сакской триады”. Автор выдвигает тезис о необходимости переоценки сакской культуры не просто как совокупности военно-кочевых традиций, а как самобытной цивилизации с высоким технологическим и интеллектуальным потенциалом.

Ключевые слова: саки, историография, “звериный стиль”, археологическая экспедиция, корни государственности, Иссыкский курган, социальная стратификация, космологическая модель.

JO'RAYEV SH.G'.,HASANOVA Y. Buxoro muzeyi ko'rgazmalari.....	171
AZIZOVA D.S. The function of museums in cultural heritage conservation and public interpretation.....	175
MIRFOZILOVA M. The Tashkent paranja: from social symbol to cultural heritage.....	179
PARDABOYEV I. Milliy qadriyatlar- yoshlar tarbiyasi asosi.....	185
UROQBOYEVA M.A. Butun jahon merosi ro'yxatiga madaniy meros obyektlarini kiritish tartiblari.....	188
INOYATULLOYEVA Sh.A. Surxondaryo vohasining etnografik merosi va turizm imkoniyatlari.....	194
RAXMATULLAYEVA B.Sh. Xiva osmon ostidagi shahar muzey.....	200
II SHO'BA. MADANIY MEROSNI SAQLASHDA TARIX, ARXELOGIYA VA ETNOLOGIYAGA OID TADQIQOTLARNING AHAMIYATI	
MUKHAMEDOVA M.S. Scientific description and art historical analysis of a group of ceramic works by Rakhmatulla Aripdzhonov (1980–1983).....	205
ЖУМАНАЗАРОВ Х. Бозорлар: шакли, тури ва фаолияти.....	212
ЗИЯЕВ А. Янгиюль. сохранение историко - культурного наследия города.....	219
АБРИЕВ Р.Б. Ўзбекистонда тарихий меморий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва таъмирлаш ишлари шаклланиши тарихидан.....	225
ЛЕВТЕЕВА Л.Г. Некоторые итоги комплектования коллекции тюбетеек ГМИУ.....	230
МУСАКАЕВА А.А. О тамге на монетах Асбара.....	236
КАРОМАТ Д.Ф. Музыкальное наследие домбристов племен барлас, кунгират, карамангыт, ковчин, овокли и сайрам в фоноархиве института искусствознания АН РУз..	245
TURDIMURATOV Ya.A. O'zbekiston janubiy viloyatlari qo'ng'irotlarida uy hunarmandchiligining etnolokal xususiyatlari.....	251
ЕРЖИГИТОВА А.А. Роль средневекового Саурана в историко-культурных процессах сырдарьинского региона.....	257
ЎЛМАСОВ А.Ф. Б.Я. Ставискийнинг маданий меросни саклаш ва реставрация қилиш соҳасидаги ҳиссаси: ҳамкорлик ва илмий ёндашув.....	261
КАРИМОВА Д.О. Қадимги Бактрия керамикаси аҳмонийлар меросими ёки маҳаллий эволюция?.....	268
YUSUPOV A.Sh. İlk saklar moddiy madaniyati: ijtimoiy tabaqalanish va san'atdagi mifologik asoslar.....	273
XATAMOVA R.Z. Gilamdo'zlikda ustoz shogird an'anasi.....	277
ДУСТМУРОДОВ М.М. Уйғур хоқонлиги даврига оид тэс(ийн) ёдномаси туркийлар тарихига оид муҳим манба сифатида.....	281
ABDURASULOV Sh. Muqimiy nomidagi O'zbekiston davlat musiqali teatrida zamonaviy jarayonlar va repertuar muammosi.....	289
MIRKHAKIMOVA F.Kh. The historical and cultural significance of the activity of the Erkin Vokhidov house-museum.....	298
ABDULLAYEVA D.A. Buxoro obidalari muhofazasi sohasidagi tuzilmalar.....	303
ТИЛЛЯБАЕВА Г.Б., АБДУКАРИМОВ А.А. Замонавий музейлар зиёрат макони сифатида: инновацион ва маданий трансформация.....	308
XURRAMOV M. TEMIROV A. Shahrisabz tarixiy obidalari – temuriylar davri me'moriy merosining yorqin namunasi.....	314
O'TKIROV A.F. Buxoro amirligi orden va medallari tarixiga doir.....	319
LATIPOVA N.M. Tarixiy shaxslarning portretlariga tahliliy tavsiflar.....	323
DALIYEVA N.Q. Samarqand muzeyidagi chig'atoy tangalari kolleksiyasi.....	329
ЭЛМУРАТОВ О.О. Туроннинг кончилиқ тарихи қадимги юнон-рум манбаларида....	336
SAYLIYEVA M.M. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida tanqidiy va ijodiy fikrlashni shakllantirishda integratsiyalashgan texnologiyalar.....	341